

yetkazib berishi lozimdir. O'qituvchi umuminsoniy va milliy-axloqiy fazilatlarini o'zlashtirib olishi, tajribada qo'llashi, o'zining dunyoqarashi, mafkurasi va axloqiy tajribasi bilan taqqoslashi lozim. Fikrlash va his etish, turmushda sinab ko'rish natijasida umuminsoniy va milliy-ahloqiy sifatlar, qoidalar, normalar o'qituvchining o'z axloqiy fazilatiga, e'tiqodiga aylanadi. Bular muallimning dunyoqarashi, fikr va mulohazalari bilan ko'shilib, bozor iqtisodiyotiga asoslangan jamiyat gurih sharoitida uning o'rni va rolini belgilaydi.

O'qituvchi odobining normalari har bir muallimning shaxsiy fikriga, axloqiy fazilati va e'tiqodiga aylanishi lozim. Axloqiy e'tiqod va sifatlar o'qituvchining dars berish jarayonida, tarbiyaviy ishlarida, o'quvchilar, ota-onalar va boshqa kishilar bilan muomala, munosabatlarida, kundalik turmushda o'zining shaxsiy namunasi bilan axloqiy ta'sir o'tkazishida ko'zga tashlanadi. Pedagogik takt o'qituvchi axloqining amaliy ko'rinishlaridan biridir. Muallim xulqining natijalari uning

Adabiyotlar

1. Karimov I. A. O'zbekistonning o'z istiqloli va taraqqiyoti yo'li. -T.: «O'zbekiston, 1992.
2. Karimov I.A. «Yuksak malakali mutaxassislar taraqqiyoti omili». -T.: «O'zbekiston», 1995.
3. Qodirov B.R., Qodirov I.B. «Kasbiy tashxis metodikalari to'plami». -Toshkent: 2003.
4. G'oziev E.G., Mamedov K.K. «Kasb psixologiyasi». -Toshkent: 2003.

Jamiyatning rivojlanishida kasbiy faoliyatni to'g'ri tanlash muhim ahamiyatga egadir. Kasbiy ahloqiy me'yorlarni shakllantirish orqali har bir millatning o'z milliyliги saqlanishi bilan birgalikda uning insonlari orasidagi psixologik iqlimning ijobiyligini ta'minlashga erishish mumkin. Ushbu maqolada aynan shu jihatlariga alohida e'tibor qaratilgan.

РЕЗЮМЕ

В развитии общества огромное значение приобретает место управленческой деятельности. Через духовное управление, одновременно сохраняя национальную самобытность можно добиться прогнозирования положительности психологического климата среди людей. В статье, именно этой особенности уделяется большое внимание.

РЕЗЮМЕ

The activities of government in the development of society are very important. We can prognosticate the positive feature of the psychological climate among people by the spiritual guiding, Kuping the national peculiarities at the same time. The author of the article pays much attention to these peculiarities.

SUMMARY

ТАДБИРКОР АЁЛ ШАХСИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ВА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.У.Елмуратова – ўқитувчи

Ажинеъз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: шахс, кичик бизнес, меҳнат фаолияти, ирода, иктидор, мулкот, ютуқларга эришиш мотиви, ўзига ишонч, характер, ҳистуйғу, рухий-физиологик сифатлар

Ключевые слова: личность, малый бизнес, трудовая деятельность, воля, способность, общение, мотивация реализация способностей, самоуверенность, характер, чувство, духовно-физиологические особенности.

Key words: personality, small business, labour activity, freedom, endowments, dialogue, motivation to achieve victory, self assurance, character, feeling, spiritual-physiological quality.

Меҳнат фаолиятида шахсининг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларининг ўрни масаласи барча даврларда кишилик жамиятининг илғор қатлами вакилларининг диққат марказидаги асосий муаммолардан бири бўлиб келган. Зеро, меҳнат эгасининг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари билан меҳнат фаолияти ўртасидаги ўзаро мутаносибликнинг мавжудлиги, шахс фаолиятида қўзланган мақсад ва ютуқларга эришиш гаровидир. Шундан келиб чиқиб, биз қуйида тадбиркорлик хусусан, касаначилик фаолияти билан шуғулланувчи аёллар шахсига хос бўлган индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлар ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёлларда *биринчидан*, ақлий салоҳият, интеллектуал хусусиятлар ривожланган бўлишини талаб этади. Бу туркум шахсий сифатлар яна бир қатор сифатлар билан боғлиқ хусусан, билимдонлик, муаммо, тўсик ва қийинчиликларни олдиндан кўра олиш лаёқати ривожланган, уларнинг ҳаёл жараёнлари олдиндан кўп сабаб ва оқибатларни тасаввур қила олиш, реал фантазия, тафаккурдаги креативлилик яъни, ҳар нарсага ижодий ёндаша олиш қобилияти, тафаккурнинг истикболга йўналганлиги ва бошқа шахсга хос бўлган сифатларлар шахснинг меҳнат фаолиятида муҳим ўрин тутди [3:171]. Қолаверса, бу сифатларнинг барчаси энг аввало тадбиркорнинг ўз олдига реал мақсадлар қўйиши ва ўз фаолиятини чинакам режалаштира олишига имкон беради.

Иккинчидан, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёлларга коммуникатив сифатлар зарурдир. Яъни, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёллар кўпинча амалда кўпчилик билан биргаликдаги ҳаракатларда бўлгани учун ҳам тадбиркорга одамлар билан тўғри ва ўринли муомала қилиш маҳорати жуда зарур. Бу кўринишдаги хусусиятларга аввало кўпчилик фаолиятини мувофиқлаштира олиш, бегоналарга нисбатан ижтимоий нуқтаи назардан сабр-тоқатли бўлиш, баъзан оқимга қарши бора олиш яъни, агар манфаат талаб қилса, охиргача ўз нуқтаи назарини ва қизиқишларини ҳимоя қила билиш, турли тоифа, жинс ва ёш хусусиятли инсонлар билан

юшларга ахлоқий та'сирининг самардорлигига, ахлоқий тарбия соҳасида еришган ютуқларига намойон бўлади.

O'qituvchi odobining asosiy sifatleri umuminsoniy va milliy-axloqiy fazilatlar, tushunchalariga mos keladi va ularni pedagogik faoliyat bilan bog'liq tarzda bir qadar oydinlashtiradi. Insonparvarlik, vatanparvarlik, milliy g'urur, baynalmilallik, adolat, yaxshilik qilish, burch, qadr-qimmat, mas'uliyat, vijdon, halollik, rostgo'ylik, poklik, talabchanlik kabi ahloqiy fazilatlar o'qituvchi odobida pedagogik faoliyati bilan bog'liq ravishda tahlil qilinadi. Bolalarga yaxshilik qilish, o'qituvchilik burchi, o'qituvchilik sha'ni, qadr-qimmat, o'qituvchilik mas'uliyati, o'qituvchilik vijdoni, talabchan va adolatli bo'lish, o'qituvchining ma'naviy qiyofasi, halolligi, pokligi, rostgo'ylik kabilar o'qituvchi axloqining muhim fazilatlarini hisoblanadi. Ularni chuqur va puxta o'zlashtirish bo'lajak o'qituvchi uchun katta amaliy ahamiyat kasb etadi.

муомалага кириша олиш ҳамда ўз фикрини тушунтира билиш маданияти каби қатор сифатлар қиради.

Учинчидан, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёллар кўпинча таваккал қилишга мажбур бўлгани учун ўзига хос иродавий сифатлар талаб этилади. Бунга биринчи навбатда таваккал қила олиш қобилияти, ўз ҳаракатлари, истаклари ва эҳтиёжларини назорат қилиш, курашиш ва ғалаба қилиш иштиёқи, ўзининг бутун иктидори ва "Мени" нинг фазилатларини ўзгаларга кўрсатиш орқали, кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлиш, ютуқларга эришиш мотивининг муваффақиятсизликлардан сакланиш мотивидан устунлиги, қаътиятлилик, талабчанлик яъни, нафақат ўзгаларга, аввало ўзига нисбатан талабчанлик, интилувчанлик, кўркмаслик, дадиллик каби қатор фазилатлар қиради. Бундай фазилатларга эга бўлган кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёллар баъзан бу йўлда бошқаларга зиён етказганлигини билса ҳам бу йўлдан қайтмайдилар. Масалан, тадбиркорликка муккасидан кетган айрим қимсалар, ўз оиласи манфаатини ҳам эсдан чиқариб қўяди. Топилган сармоялар кўпайиб, улар кейинги янги лойиҳаларда ишлаган сари, яна янги "қайфият" ва бутун вужуди билан ишга киришиб қетади.

Тўртинчидан, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёллар - ўз-ўзини ҳаддан зиёд "уддалай оладиган", тадбиркорлик фаолиятига ўта "берилган" бўлгани учун ҳам унга яхшигина соғлиқ, саломатлик, куч-қувват ва келажакка ишонч зарур. Демак, шахсий гигиена маданиятидан тортиб, овқатланиш, дам олиш ва бўш вақтини манфаатли режалаштириш қобилиятига ҳам эга бўлиши шарт.

Кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланишда баъзан бу сифатни уddaбурунлик ҳам деб аташ мумкин, бу шундай хусусиятки, одам бир вақтнинг ўзида маълум муаммо юзасидан бир қанча ечимларни топа олади, муҳими - у ҳар қандай мураккаб ҳолатдан ҳам чиқишнинг энг самарали, омилкор йўлини топишга тайёр бўлади ва буни амалда исбот қилади ҳам. Яъни, бундай тадбиркор кишилар ҳар қандай вазиятдан ҳам чиқиш йўлини билади.

Шунингдек, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёлларда нутқ ва тафаккур сифатлари кучли, хотира, доимий диққатнинг барқарорлиги, соғлом ақл,

фикрнинг кенглиги, чуқурлиги, тезлиги, муаммо моҳиятини тез англаб олиш, ижодийлик, фикрни оғзаки ва ёзма шаклда қисқа, тушунарли ва аниқ тарзда ифодалаш сифатлари ҳам ривожланган бўлиши лозим.

Кичик бизнес билан шуғулланувчи аёлларнинг характер сифатлари мақсадга интилувчанлик, дадиллик, мардлик, ишонч, ўзини тута билиш, ўзи ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, таваккал қилиш қобилиятлилик, қийин вазиятларда ҳам ўзини йўқотмаслик, ҳазил-мутойиба туйғуси юқори ривожланган бўлиши талаб этилади [4:24]. Қолаверса, ҳис-туйғу сифатларининг турғунлиги, аниқлиги, ифодалилиги, қучли ҳаяжонли ҳолатларда тўғри ҳаракатлар қилиш қобилияти, мулоқотга киришганда бошқалар кайфиятини, ҳис-туйғуларини ҳисобга олиш, ўз ҳис-ҳаяжонларини ва кайфиятларини бошқара олиш, ҳулқ-атвор сифатларини янада яхшилашга интилиш ва кишилар билан муносабатда самимийлик, ҳалоллик каби сифатлар тадбиркорларда устун ривожланган бўлиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, касаначи тадбиркор аёлларга хос бўлган бир қатор психофизиологик ва индивидуал-психологик сифатларни туркумлаш мумкин:

Рухий-физиологик сифатлари:

- арзимас нарсалардан жанжал чиқармаслик, аччиқланмаслик, баъзан кўриб кўрмаганга олиш.
- рухий жараёнларда босиқликни намоён эта олиш.
- рухий, ҳаяжонли хавф-хатар ҳолатларида ўзини йўқотиб қўймаслик.
- ўзини англашда фаоллик, кайфиятда ўта сезгирлиكنинг бўлиши.
- жисмоний соғлом ва ҳар томонлама баркамоллик.

Ишбилармонлик сифатлари:

- соҳа ва касб сирларини яхши билиш, ўз иши соҳасида юқори малакага эга бўлиш
- янги технология талабларига мос билим ва тажриба, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини чуқур билиш
- бошқариш усулларини яхши ўзлаштирган бўлиши
- ўз билими, малака ва кўникмаларини ошириб бориш, ахборот айирбошлашни билиш ва ҳоказо.

Кузатиш ва тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, касаначи тадбиркор аёлнинг ташқи кўриниши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг кийим-боши ҳамиша тоза, озода, тартибли бўлиши, ўзи эса ҳулқ-атворда бошқаларга намуна кўрсатиши, саранжом-сарништаликка риоя этиши керак. Шунингдек, касаначи аёл раҳбар ўз қўл остидагиларда фаоллик, онглилик, ижодкорлик, интизомлилик, ўз-ўзини тарбиялаб бориш сифатларини қарор топтира, меҳнатда ҳам, хизматда ҳам, эл-улус орасида ҳам обрў топади. Шунингдек, тадбиркор раҳбарнинг кўпчилик билан муомала

қила олиш қобилияти ҳам унинг ташкилотчилигидан нишонадир.

Бундан ташқари яхши кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёл учун маълум шахсий сифатлар зарур [2:172]. У қатъиятли ва чаккон, зийрак бўлиши керак. Тадбиркор ўзига керакли фикрларни йиға билиши керак. 99 фоиз илғор ғоялар мутахассислар билан мулоқотда юзага келса, 1 фоиз ғоялар одамларни эшита билишида пайдо бўлини ҳисобга олиши лозим [1:19]. Бунинг учун суҳбатлашишни билиш, ўрганиш, шахсий ғаразларни унуттиш, ғояларни тартибга солиш, энг асосийси, доимо ўқиб-ўрганиш керак. Акс ҳолда, у ўз ишини баҳолай олмайди.

Шунингдек, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёл раҳбар бозор иқтисоди шароитида ўз ҳуқуқидан тўла фойдаланиши ва зарур ҳолларда қуйидагиларни амалга ошириши яъни, ёмон ходимлардан воз кечиши, ўз ходимларидан зарурий натижаларни талаб этиши, фикрлаш қобилиятига эга бўлганларни ғояларга йўналтириши керак ва ҳоказо.

Шу билан бир қаторда у қатъий буйруқлар бериши, буйруқнинг бажарилиш натижаларидан воқиф бўлиб туриши зарур. Шунинг учун у ходимларнинг ички хусусиятларини билиши керак. Баъзан ходимлар касдан меҳнат интизомини бузадилар. Бунга сабаб моддий таъминотининг ўз вақтида бўлмаслиги, бир неча вазифани бир вақтда берилиши, унинг аниқ бажарилиш вақти кўрсатилмаганлиги, мукофотлаш шаклининг номукамаллиги бўлиши мумкин. Бундай пайларда тадбиркор (касаначи аёл) раҳбар кишиларнинг бундай камчиликларига сабр-тоқат билан ёндашиши керак.

Қолаверса, кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёл раҳбар камсукум, қатъий, ҳалол, шижоатли бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг фикри, таклифи, мулоҳазалари билан ҳисоблашиб, демократик усулда иш кўриши бошқарувда ва касбий фаолиятда кўпроқ ижобий натижаларга олиб келишини унутмаслик керак.

Юқоридаги сифат ва хусусиятларни ўзида намоён этган тадбиркор (касаначи) аёл раҳбар бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беради. Зеро, бозор муносабатлари ишни жиддий асосларда, технологик жараёнлар билан қўшиб олиб бориш, тезкорлик, малака ва укувни, касб маҳорати яхши эгаллашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш, савдо-тижорат, хизмат идоралари, иқтисодиётининг барча тармоқларида фаолият юритувчи тадбиркорларнинг ҳорижликлар билан ҳамкорлик қилиш, шартномалар ва битимлар тузиш, музокаралар олиб бориш укувини намоён этиши ҳам бозор муносабатлари талабидир.

Адабиётлар

1. Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. –Т.: 2000. 19-б.
2. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010. 267- б.
3. Хайитов О.Э. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. номз....дисс. - Т.: 2005. 173- б.
4. Шойимова Ш.С. Тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. номз....дисс. - Т.: 2009, 24-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада аёл шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари муаммоси тадқиқ этилган. Тадқиқот натижалари бўйича кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланувчи аёллардаги ақлий салоҳият, интеллектуал хусусиятлари ҳақида айtilган. Тадбиркор аёллардаги коммуникатив сифатлар, яъни амалда кўпчилик билан тўғри ва ўринли муомала қилиш маҳоратининг зарурлиги хусусида фикр юритилган. Кичик бизнес (касначилик) билан шуғулланишда меҳнат вазифаларини самарали амалга ошириш омиллари ёритилган. Тадбиркор (касначилик) раҳбар аёл, бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бериши ва музокаралар олиб бориш укувини намоён этиши ҳам бозор муносабатлари талабидир делинган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются вопросы индивидуально-психологических особенностей женской личности. В ней речь идёт об умственном потенциале, интеллектуальных особенностях женщин занимающихся малым бизнесом (надомной работой). Высказываются мнения о необходимости коммуникативных качеств в женщинах предпринимателях, мастерства этичного обращения с массой в повседневной жизни. Освещаются также факторы эффективного выполнения трудовых обязанностей при занятии малым бизнесом. Так же, в статье утверждается, что руководящая женщина-предприниматель должна полностью отвечать требованиям рыночной экономики.

SUMMARY

In the article the issues of individual-psychological features of woman personality were investigated. It contains the information about mental potential and intellectual features of women who are engaged in small business. There are some opinions about necessity of communicative quality in businesswomen, the necessity to be skill ful in ethical treatment with people in everyday life. Dealing with small business it is necessary to take into account the factors of effective fulfillment of labour duties. It is emphasized that businesswomen should meet the requirements of market economy.